

Сийрат 200-дарс. Лаънатловчилар Қиёмат кунни гувоҳ ҳам, шафоатчи ҳам бўлишмайди



19:00 / 09.09.2022 5610

769. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бўхтоннинг нималигини сизларга айтиб берайми? Бу одамлар орасида «деди-деди»лаб чақимчилик қилишдир»,** дедилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

770. Асма бинт Абу Бакр розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир аёл: «Эй Аллоҳнинг Расули, менинг кундошим бор. Унга эрим менга бермаган нарсани берди деб айтсам, гуноҳкор бўламанми?» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ўзига берилмаган нарсани берилди, деб айтувчи худди иккита ёлғондакам кийим киювчи кабидир»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

771. Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Албатта, лаънатловчилар Қиёмат куни гувоҳ ҳам, шафоатчи ҳам бўлишмайди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

772. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Икки сўкишганинг гуноҳи улардан энг аввал бошлаганга бўлади. Модомики, мазлум (томон) ошириб юбормаган бўлса»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

773. Абдуллоҳ ибн Шиххийр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бану Омир вакиллари таркибида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бордим. Шунда (у зотга): «Сиз бизнинг саййидимизсиз», дедик. «Саййид Аллоҳдир», дедилар. «Сиз энг афзалимизсиз ва энг улуғимизсиз», дедик. «Мана шу сўзингизни ёки шунга ўхшаш сўзингизни айтинг. Шайтон сизларни ўзига малай қилиб олмасин», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан